

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2023 йил июнь ойининг 14 куни жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман суди, суд биносида, очик суд мажлисида, туман судининг раиси И.Жаббаровнинг раислигида, судья ёрдамчиси Б.Саримсақовнинг котиблигида, тарафлардан Чортоқ туман прокурори ёрдамчиси М.Абдуллаев, судланувчи Т.Холбаев, жабрланувчи Ғ.Тиллабоевнинг иштирокида, Холбаев Турсунали Хўжамурадовичга нисбатан 1-1610-2301/94-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Холбаев Турсунали Хўжамурадович, 1956 йил 3 мартда Чортоқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзанди бор, пенсияда, муқаддам жиноят ишлари бўйича Наманган шағар судининг 2012 йил 21 ноябрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 223-моддаси 2-қисми “б” банди билан, ЖКнинг 62-моддасини қўллаб 2 йил 9 ой 24 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман судининг 2012 йил 15 декабрдаги ажримига кўра ўталмай қолган муддатидан шартли озод қилинган, Чортоқ тумани, “Балиқкўл” МФЙ, “Оқтерак” кўчаси, 34-уйда яшайди, жиноят иши бўйича 2023 йил 10 мартда муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2023 йил 20 апрелда олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган;

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Т.Холбаев, 2022 йил март ойида Ғ.Тиллабоевга пулларини 2022 йил 15 май куни беришини айтиб, ундан 5025 дона кўчатларини 38.250.000 сўмга келишиб, пулларни келишилган кунда олиб бермасдан, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юбориб, фирибгарлик қилган.

Судланувчи Т.Холбаев суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлиги, “Чортоқ боғ узумчилик” кластерида иш юритувчи эканлиги, 10 га ерда боғ барпо қилмақчи бўлгани, аввал ўзидаги кўчатларни эккани етмаганлиги сабаб кўчат қидиргани, шунда таниши К.Мамунов Ғ.Тиллабоевдан кўчат олиб туришини айтиб таништириб қўйгани, Ғ.Тиллабоев билан келишиб аввал 7.600.000 сўмлик кўчат олиб, 4.800.000 сўмини бергани, сўнг яна 18.650.000 ва 12.000.000 сўмлик жами 33.450.000 сўмлик кўчатлар олиб, пулларини 2022 йил 15 май куни беришини айтгани, май ойида пулларни даласига сув чиқариш мақсадида



ишлатиб юборгани, кузда 10 га ерга экилган ошқавокларини сотиб пулларни беришини айтгани, аммо ошқавоклар қуриб қолгани, шундан сўнг ёнғокларини сотиб қилиб бермоқчи бўлгани, аммо ёнғок ҳосили ҳам ололмагани, пулларни бера олмагани, шу сабабли 2023 йил 10 январга қадар пулларни ҳаммасини қайтаришини айтиб тилхат ёзиб бергани, аммо белгиланган вақтда пулларни қайтара олмагани, бир оз муддат берилса қарзини тўлиқ қоплаши, оилавий шароитини оғирлигини, ёши 60дан ошгани, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, енгиллик беришни сўради.

Гарчанд судланувчи Т.Холбаев суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб кўрсатув берган бўлса-да, уни жинойт содир этганликдаги айби, қуйидаги далиллар билан ўз исботини топган. Жумладан;

жабрланувчи Ғ.Тиллабоевни суд мажлисидаги, кўчатчилик билан шуғулланиши, март ойида ўзига нотаниш бўлган Т.Холбоев келиб кўчат олмоқчи эканлигини, пулларини бироз муддатдан сўнг беришини айтгани, аввал ишонмасдан бермагани, озроқ вақт ўтганидан сўнг таниши К.Мамунов Т.Холбаевни мақтаб яхши инсон эканлигини, пулларни ўз вақтида беришини айтганидан сўнг, ўзаро келишиб аввал 7.600.000 сўмлик кўчат бериб, 4.800.000 сўмини олгани, сўнг яна 18.650.000 ва 12.000.000 сўмлик жами 33.450.000 сўмлик кўчатлар бергани, Т.Холбаев пулларини 2022 йил 15 май куни беришини айтгани, май ойида пулларни қилиб беера олагани, кузда 10 га ерга экилган ошқавокларини сотиб пулларни қайтаришини айтгани, аммо ошқавоклар қуриб қолди деб баҳона қилгани, шундан сўнг ёнғокларини сотиб қилиб бермоқчи бўлгани, аммо ёнғок ҳосили ҳам қушлар еб, қолгани ёмғирда чириб қолганини баҳона қилгани, шу сабабли 2023 йил 10 январга қадар пулларни ҳаммасини қайтаришини айтиб тилхат ёзиб бергани, аммо белгиланган вақтда пулларни қайтара олмагани, шу сабабли туман ИИБ га мурожаат қилгани, хозирда етказилган зарардан 10.000.000 сўм қоплангани, қолган зарарни ҳам қоплашга ҳаракат қилаётгани, Т.Холбаевга яна бир бор имконият берилса зарар тўлиқ қопланиши сўраб берган кўрсатуви билан;

гувоҳ К.Мамуновни суд мажлисидаги, жабрланувчи Ғ.Тиллабоевни кўрсатувини тасдиқлаб, у билан деярли бир хил мазмунда берган кўрсатуви билан;

гувоҳлар А.Абдуллаев ва Ш.Мамадалиевнинг суд мажлисидаги, жабрланувчи Ғ.Тиллабоевни кўрсатувини тасдиқлаб, у билан деярли бир хил мазмунда берган кўрсатуви билан;

бундан ташқари, жабрланувчи Ғ.Тиллабоевни аризаси (ж.и 3,4 и.в), воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотолар (ж.и 50-58 и.в) олинган далилий ашёлар ва унга илова қилинган тилхатлар ҳамда жинойт ишида тўпланган ва суд мажлисида текширилган бошқа далиллар мажмуи билан исботланган деб топади.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Т.Холбаевнинг Ғ.Тиллабоевни ишончига кириб алдаб, 33.450.000 сўмлик 5025 дона турли дарахт кўчатларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда ифодаланган ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган,



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори 7-бандида “Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгаллигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилади” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорида далилларнинг мақбуллигига қўйиладиган шартлар ҳамда далилларни номақбул деб топиш асослари юзасидан тушунтиришлар берилган.

Суд, ишдаги судланувчи Т.Холбаевни айблаш учун асос сифатида олинган далилларни тўплаш ва процессуал ҳаракатларни ўтказишга оид қоидалар ҳамда тартиблар юқорида қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилган бўлиб, далиллар мақбуллигига тааллуқли шартларнинг бирон-бир талаби бузилмаган, уларни номақбул деб топиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин.” деб, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб, кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 50-моддаси 9-қисмида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлик, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлик ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатан, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан тайинланмаслиги кўрсатилган.

Суд, юқоридаги Пленум қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 54, 55, 56 ва 50-моддаси тўққизинчи қисми талабларига риоя қилиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, Т.Холбаевга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, нафақа ёшидалигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топиб, унинг шахсини ва содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини, жабрланувчининг даъвосини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди санкцияси доирасида озодликни



чеклаш жазоси тайинлашни лозим топди.

Шунингдек, судланувчи Т.Холбаевдан жабрланувчи Ғ.Тиллабоев фойдасига 24.500.000 сўм моддий зарар ундиришни;

жиноят ишига қўшилган бир дона DVD дискни иш хужжатларига қўшиб сақлашни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 211, 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Холбаев Турсунали Хўжамурадович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Холбаев Турсунали Хўжамурадовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан 3 (уч) йил муддатга сутканинг соат 22-00 дан соат 06-00 гача бўлган вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Холбаев Турсунали Хўжамурадовичга озодликни чеклаш жазосини Чортоқ тумани, “Балиққўл” МФЙ, “Оқтерак” кўчаси, 34-уйда ўташ белгилансин, жазони ўташ даврида қўйидаги тақиқ (чеклаш)лар ва мажбуриятлар ўрнатилсин:

-Назорат қилувчи органнинг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Наманган вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

-икки ой муддат ичида жабрланувчи Ғ.Тиллабоевга етказилган зарарни қопланмаган қисмини тўлиқ бартараф қилиш.

Озодликни чеклаш жазосини ижроси Чортоқ туман ИИБ пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати Т.Холбаев Чортоқ туман ИИБда ҳисобга қўйилган кундан ҳисоблаб, ўтаттирилсин.

Судланувчи Т.Холбаев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси талаби, яъни ўрнатилган тақиқлар (чекловлар)ни бузган тақдирда, унга нисбатан қўлланилган жазо, бошқа оғирроқ турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

Холбаев Турсунали Хўжамурадовичга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Судланувчи Т.Холбаевдан жабрланувчи Ғ.Тиллабоев фойдасига 24.500.000 сўм моддий зарар ундирилсин.

Жиноят ишига қўшилган бир дона DVD диск иш хужжатларига қўшиб сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали апелляция тартибида Наманган вилоят судига шикоят беришлари ёки протест билдиришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

И.Жаббаров

